

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

УСМОНОВ БУРХОНЖОН УМАРОВИЧ

**ГИЁҲВАНДЛИК ФОНИДАГИ ТЕМИР ТАНҚИСЛИГИ
КАМҚОНЛИГИНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ, ХАТАР ОМИЛЛАРИ
КЛИНИК НАМОЁН БЎЛИШИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ
ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.43- Профилактик тиббиёт

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Усмонов Бурханжон Умарович

Гиёҳвандлик фонидаги темир танқислиги камқонлигининг
эпидемиологияси, хатар омиллари клиник намоён бўлиши ва
профилактикасининг ўзига хос жиҳатлари..... 3

Усмонов Бурханжон Умарович

Эпидемиология, факторы риска, особенности клинических
проявлений и профилактики железодефицитных анемий на фоне
наркомании..... 19

Usmonov Burkhonjon Umarovich

Epidemiology, risk factors, clinical features Manifestation and
prevention of iron deficiency anemia against the background of drug
addiction..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 39

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

УСМОНОВ БУРХОНЖОН УМАРОВИЧ

**ГИЁҲВАНДЛИК ФОНИДАГИ ТЕМИР ТАНҚИСЛИГИ
КАМҚОНЛИГИНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ, ХАТАР ОМИЛЛАРИ
КЛИНИК НАМОЁН БЎЛИШИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ
ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.43- Профилактик тиббиёт

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.PhD/Tib1465 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.adti.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Мамасолиев Нематжон Солиевич тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Фозилов Абдуқохгор Воҳидович тиббиёт фанлари доктори, профессор Хужамбердиев Мамазоир Аҳмедович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.04/30.12.2019.Tib.95.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «13» июль соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50; e-mail: info@adti.uz, Андижон давлат тиббиёт институти мажлислар зали).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1 - рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50.

Диссертация автореферати 2021 йил «05» июлда тарқатилди.
(2021 йил «05» июлдаги 1 - рақамли реестр баённомаси).

М.М. Мадазимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Ф. Нишанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Н.Р. Узбекова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра «дунёнинг кўплаб минтақаларида профилактика ва даволаш даражаси ҳанузгача реал эҳтиёжлардан анча паст бўлиб, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш асносида турли хил касалликларга чалинган ва наркологик ёрдамга муҳтож одамлар сони 2018 йилга келиб, дунё бўйлаб 30,5 миллиондан 35 миллион кишига ўсди. Дунё бўйича 1,8 миллиардга яқин одам темир танқислиги ҳолатларидан азият чекмоқда, яширин камқонлик эса 3,6 миллиард одамда аниқланиб, 38 патологик ҳолатлар орасида биринчи ўринни эгалламоқда»¹. Сурункали гиёҳвандлик билан касалланган беморларда камқонлик 56,1% ва темир танқислиги ҳолатлари 62,6% ҳолларда учрайди². Шу сабабли ҳужайралар гомеостазини ва қоннинг қизил қисми микроэлементларининг бузилиши натижасида темир, фолий кислотаси етишмовчилиги ва макроцитар камқонлик ривожланиши хусусиятларини ўрганиш долзарб вазифа бўлиб ҳисобланади.

Жаҳонда гиёҳвандликнинг айрим клиник кечишларида гематологик бузилишлар ва ҳаётий муҳим органлар билан боғлиқ патологик ўзгаришларнинг олдини олиш борасида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Турли хил психоактив моддаларни суиистеъмол қилувчи шахслар орасида темир танқислиги ҳолатлари ва темир танқислиги камқонлигининг эпидемиологиясини ўрганиш ҳамда ривожланишининг асосий хавф омиллари ва клиник кечишининг хусусиятларини аниқлаш орқали касалликни эрта ташхислаш ва самарали профилактика тизимини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, саломатлигини сақлаш ва яхшилаш имконини берадиган сифатли соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш, жумладан, сурункали гиёҳвандликка чалинган шахсларда гематологик касалликларни даволаш самаралигини оширишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг заиф гуруҳларининг тўлақонли ҳаёт кечиршини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш каби вазифалар белгиланган³. Ушбу вазифаларни амалга оширишда тактик профилактик ёндашувларни такомиллаштириш ҳамда гиёҳвандлик фониди темир танқислиги анемиясини олдини олишнинг инновацион технологияларини ишлаб чиқиш орқали гиёҳвандликка чалинган шахсларни

¹ UNODC and WHO, International Standards on Drug Use Prevention, 2020; 2nd ed. <https://www.unodc.org/unodc/en/prevention/prevention-standards.html>

² Semba RD, Shah N, Strathdee SA, Vlahov D. High prevalence of iron deficiency and anemia among injection drug users with and without HIV infection. J Acquir Immune Defic Syndr. 2020 Feb 1;29(2):142-4.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

даволаш самарадорлигини ошириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Гиёҳванд моддаларни қабул қилиш фонида миядаги морфологик ўзгаришлар яхши тавсифланган, уларга олиб келадиган механизмлар эса номаълумлигича қолмоқда. Адабиётларда темирнинг гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш фонида марказий асаб тизимидаги бундай патофизиологик ўзгаришларнинг медиатори сифатида кўрсатадиган бир нечта тадқиқотлар маълум холос. Илмий адабиётларда «ортиқча темир фаол кислород шакллари ишлаб чиқариши туфайли нейронларнинг ўлимига олиб келиши мумкинлигига, темир танқислиги эса, дофамин синтези ва моноаминлар метаболизмини сусайтиришига» аниқлик киритган⁴ (Rouault T.A., 2013). «Психоактив воситалар миянинг базал ҳужайраларига кириб боради, у ерда темир юқори концентрацияларда бўлади, унинг метаболизмини бузади, ўз навбатида, қизил қон ҳужайраларининг гомеостази бузилади, бунда эритроцитларнинг ўртача ҳажми ва тарқалиш кенглиги ўзгаради, гемоглобин ва гематокрит даражаларининг пасайиши, эритроцитлар сонининг ва уларда ўртача гемоглобин миқдорининг камайиши кузатилади, бу организмда темир танқислигига олиб келади ҳамда қоннинг кислород ҳажмининг пасайиши ва орган-тўқималар гипоксиясига олиб келади»⁵ (Ersche K.D. ва бошқ., 2017). Бошқа тадқиқот натижаларига кўра гиёҳвандлашаётган аҳоли популяциясида ошқозон-ичак тракти ва темир танқислиги камқонлиги (ТТК) касаллиги хавфининг дозага боғлиқ холда сезиларли даражада ўсиши аниқланди⁶

⁴ Rouault TA. Iron metabolism in the CNS: implications for neurodegenerative diseases. Nat Rev Neurosci. 2013 Aug;14(8):551-64. doi: 10.1038/nrn3453.

⁵ Ersche KD, Acosta-Cabronero J, Jones PS, et al. Disrupted iron regulation in the brain and periphery in cocaine addiction. Transl Psychiatry. 2017;7(2):e1040. Published 2017 Feb 21. doi:10.1038/tp.2016.271

⁶ Турсунходжаев Л. А., Рустамова Ж. Т. Особенности клиники и течения опийно-гашишной полинаркомании // Медицинский журнал Узбекистана. - Ташкент, 2008. - №3. - С. 21-23

(Турсунходжаев Л.А. ва бошқ., 2008). Гиёҳвандликда темир танқислиги ҳолатлари (ТТХ) муаммосининг бошқа жиҳатларини очиб берган ва «гиёҳвандликда туғма иммунитет бузилиши, натижада психоактив воситалардан доимий фойдаланувчилар юқумли касалликлар ва сурункали яллиғланишларга мойил бўлиши сўнгра иштаханинг айниқса ёғли овқатлар истеъмол қилишга нисбатан ўзгариши ва шу билан темир ташувчиси йўқлиги ва унинг биоўзлашувчанлиги пастлиги туфайли темирнинг сўрилишига таъсир қилишини» аниқлаган⁷ (Шерматов Ш.Э. ва бошқ., 2002). Шунингдек, «гиёҳванд бемор» нинг бир нечта хамроҳ, шу жумладан, ТТК касалликлардан иборат коморбидлигининг оғирлик даражаси психоактив воситалардан фойдаланиш муддатига мутаносиб равишда оғирлашиши маълум.

Адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, аҳолининг гиёҳвандлашаётган популяциясида даволаш ва диспансер кузатувининг қониқарсиз натижаларининг асосий сабаблари – ички органларнинг бири-бирига боғлиқ бўлган сурункали касалликларига таъсир қилувчи турли тактик омиллар ҳақида маълумотлар етарли эмас.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, гиёҳвандликда ТТХ ва ТТК ривожланишининг барча хавф омилларига қаратилган профилактика чораларини яхшилаш, шу жумладан, тизимли асоратларнинг олдини олиш ва терапевтик континуум хавфини камайтириш борасида эпидемиологик моделлаштиришни такомиллаштириш ва скрининг дастурини танлаш, антианемик терапия ва реабилитация дастурини стандартлаштириш тақоза қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ПЗ-201205194 «Ўзбекистоннинг турли минтақаларида сурункали ноинфекцион касалликларда эпидемиологияни ўрганиш, даволашни такомиллаштириш йўллари ва олдини олиш бўйича илғор инновацион технологияларни ишлаб чиқиш» инновацион лойиҳаси доирасида бажарилган (2017-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади гиёҳвандлик фонида темир танқислиги камқонлигини даволаш натижаларини эрта ташхислашнинг илғор инновацион технологияларини ва самарали профилактика тизимини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

гиёҳвандлик фонида турли хил психоактив моддаларни суиистеъмол қилувчи шахслар орасида темир танқислиги ҳолатлари ва темир танқислиги камқонлиги билан касалланишнинг статистик кўрсаткичларини аниқлаш;

Фарғона водийсининг гиёҳвандлашаётган аҳолининг катталар популяциясида бир босқичли эпидемиологик таҳлил ўтказиш орқали

⁷ Шерматов Ш.Э., Матчанов А.А., Агзамова Л., Усманова А.С. Наркомания и иммунитет //Журнал теоретической и клинической медицины. -2002. – №6. –С.117-118.

гиёҳвандлик фонида ТТХ ва ТТК ривожланишининг асосий хавф омилларини аниқлаш;

гиёҳвандлашаётган аҳолининг катталар популяцияси томонидан турли хил психоактив моддаларни суистеъмол қилишда ТТХ ва ТТК клиник кечишининг хусусиятларини аниқлаш;

асосий хавф омиллари ва хамроҳ патологик ҳолатларнинг мавжудлигига боғлиқ ҳолда, гиёҳвандлашаётган аҳолининг катталар популяциясида ТТХ ва ТТК ривожланишининг нисбий хавфини баҳолаш;

гиёҳвандлик билан боғлиқ бўлган ТТХ ва ТТК ни эрта ташхислаш ва самарали профилактика қилиш алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Андижон вилоят наркологик диспансерида ҳисобда турувчи 589 нафар гиёҳвандликка чалинган беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида гиёҳвандлик билан боғлиқ бўлган ТТХ ва ТТК касалликнинг эпидемиологик жиҳатларини ўрганиш, омилларни баҳолаш ва комплекс даво-профилактик жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда эпидемиологик, умумклиник, лаборатор, инструментал ва статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аҳолининг гиёҳвандлашаётган популяциясида эпидемиологик, ҳулқ-атвор жиҳатларига, овқатланиш ҳолатига, антропометрик ва лаборатор маълумотларига ва хамроҳ касаллик билан ўзаро боғлиқлигига кўра темир танқислиги ҳолатлари ривожланишининг патогенетик хусусиятлари аниқланган;

гиёҳвандлик фонида ТТХ ва ТТК ривожланиши асосий хавф омилларининг (ҳулқ-атвор – 71,7%, алиментар – 33,7%, биохимик нолипид – 23,4%) қийматлари аниқланган;

хавф омилларининг прогностик аҳамиятини аниқлаш орқали темир танқислиги ҳолатлари шаклланишининг эпидемиологик модели яратилган;

гиёҳвандлик билан боғлиқ бўлган ТТХ ва ТТК ни эрта ташхислаш ва самарали профилактика қилиш алгоритми ишлаб чиқилган.

эпидемиологик скрининг ва профилактика қилиш алгоритми аҳолининг гиёҳвандликка чалинган популяцияси орасида темир танқислиги ҳолатларини олдини олиш имкониятлари исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

гиёҳвандлик фонида темир танқислиги ҳолатлари ва темир танқислиги анемияси билан касалланишнинг статистик кўрсаткичлари минтақавий ва соғлиқни сақлашнинг туман доирасида аниқланган;

гиёҳвандлик фонида континуум хавфини стратификациялаш ҳамда темир танқислиги ҳолатларини ва темир танқислиги анемиясини аниқлаш учун популяцион комплекс усулларидан фойдаланган ҳолда эпидемиологик скрининг ўтказиш амалиётга тавсия этилган;

гиёҳвандлик фонида темир танқислиги анемиясининг клиник, ижтимоий, алиментар, ҳулқ-атвор, анамнестик ва ўзига хос хусусиятларини

ҳисобга олган ҳолда, гиёҳвандликка учраган аҳоли орасида темир танқислиги ҳолатларини аниқлаш услуби ишлаб чиқилган;

гиёҳвандлашаётган аҳоли популяциясида темир танқислиги ҳолатларини камайтиришга имкон берувчи, тасдиқланган хавф омилларининг прогностик аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда гиёҳвандликда темир моддаси етишмаслиги ҳолатларини олдини олиш тактикаси амалиётга тадбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, беморлар сонининг етарлилиги, эпидемиологик, умумклиник, лаборатор, инструментал ва статистик тадқиқот усуллар асосида гиёҳвандлашаётган аҳоли популяциясида темир танқислиги ҳолатлари атрофлича текширилганлиги ва олинган натижаларнинг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар натижалари билан таққослангани ҳамда хулосаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти патогенетик узлуксизлик ва терапевтик чекловларнинг сабаб-оқибат алоқалари ва хавф омилларини аниқлаштирган ҳолда гиёҳвандликда манифест темир танқислигининг эпидемиологик, клиник ва лаборатор хусусиятларини ўрганиш орқали гиёҳвандлашаётган аҳоли популяциясида темир танқислиги камқонлиги ривожланишини олдини олиш учун инновацион технологияларни ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти профилактиканинг тактик жиҳатларини такомиллаштириш ҳисобига гиёҳвандлашаётган аҳоли популяциясида темир танқислиги ҳолатлари шаклланишининг мукамаллаштирилган эпидемиологик моделини жорий этиш, даволаш ва диагностика дастурининг скрининг ва прогностик компонентининг самарадорлигини ошириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Гиёҳванд моддаларни истеъмол қилувчи аҳоли популяциясида эрта ташхислашнинг илғор инновацион технологияларини ва самарали профилактика тизимини ишлаб чиқиш орқали темир танқислиги камқонлигини даволаш натижаларини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

гиёҳвандлашаётган аҳоли популяциясида темир танқислиги ҳолатлари профилактикаси бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Гиёҳвандлашаётган аҳоли популяциясида темир танқислиги ҳолатлари профилактикасини такомиллаштиришнинг янги технологиялари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 22 январдаги 8н-з/20-сон маълумотномаси). Натижада гиёҳвандликда темир танқислиги камқонлиги ва у билан боғлиқ клиник ҳолатлар ривожланишини олдини олиш бўйича профилактик ёндашувлар сифатини ошириш имконини берган;

гиёҳвандликда темир танқислиги камқонлиги ҳолатларини профилактикаси бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш

амалиётига, жумладан, Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси, Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиали ва Андижон вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази амалий фаолиятига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 22 январдаги 8н-з/20-сон маълумотномаси). Гиёҳвандликда яширин темир танқислигини олдини олиш бўйича таклиф қилинган комплекс профилактик чора-тадбирлар темир танқислиги ҳолати ривожланиш хавфини 85%гача камайтиришга, пренезологик босқичда камқонликни эрта аниқлашни таъминлашга, анемик континуум шаклланишини олдини олишнинг устувор йўналишларини белгилашга ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та ҳалқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этаган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси ва чоп этилган илмий ишлар, диссертациянинг ҳажми ва таркиби тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Гиёҳванд аҳоли орасида темир танқислиги ҳолатини профилактикаси ва барвақт аниқлашнинг замонавий стратегиялари»** номли биринчи бобида адабиётнинг шарҳи келтирилган. Ушбу бобида гиёҳванд аҳоли ўртасида ТТК эпидемиологияси аниқлаш вазияти соҳасидаги муаммоларни замонавий ҳолати, гиёҳвандлардаги ТТК асосий хавф омилларининг эпидемиологик, клиник ва профилактик жиҳатлари, улар билан ассоциациялашган патологик жараёнлар ва гиёҳванд аҳолида ТТХ ни ташхислаш ва профилактика қилишни мақбуллаштиришнинг таҳлили келтирилган.

Диссертациянинг **«Текширилган беморларнинг клиник тавсифи ва фойдаланилган тадқиқот усуллари»** номли иккинчи бобида тадқиқотнинг объекти ва материаллари, предмети ва усуллари, шунингдек, фойдаланилган статистик усуллар баён қилинган. Эпидемиологик тадқиқот учун Андижон шаҳридаги 15 ёшдан 49 ёшгача бўлган 589 нафар эркак ва аёлларнинг ялпи репрезентатив танлови шакллантирилган. Тадқиқотнинг дизайнини яратишда ЖССТ нинг мезонлари (2000) ва Андижонда скрининг ўтказиш

тажрибасидан фойдаланилган. Скринингнинг биринчи босқичида ҳар бир текширилувчига ижтимоий-гигиеник, соғлиғининг умумий ҳолати, яшаш, овқатланиш шароитлари, антропометрик маълумотлар, хавф омиллари ҳақида маълумотлар, гиёҳвандларнинг соғлиғи, клиник симптоматика ва умумий маълумотларни ўз ичига олувчи карта-сўровнома тўлдирилди. Тадқиқотнинг иккинчи босқичида ТТКни аниқлаш бўйича янада чуқур текширув амалга оширилди, гиёҳвандлашиш фонида ХОнинг ТТК шаклланишига таъсири баҳоланди. Скринингнинг учинчи босқичи танлаб олинган популяцияни махсус усуллар билан мақсадли ўрганиш ва текширишни ўз ичига олди.


Эпидемиологик текширув скрининг марказида сахарлаб оч қоринга ўтказилди ва тадқиқотга сўровномали жалб этиш, уйга ташриф буюриш кўринишидаги шахсий мулоқот йўли билан амалга оширилди. Сўровномалар, биокимёвий, инструментал ва умумклиник усуллар қўлланилди.

Барча беморларда умумклиник (умумий қон, сийдик ва ахлат таҳлили, қоннинг оксилли спектр таҳлили, ДФА даражаси, сиал кислотаси, С-реактив оксил ва танловли иммунологик кўрсаткичлар), биокимёвий ва инструментал текширувлар ўтказилди: вена қонидаги липидлар (ХС, ТГ) «Техникон» фирмасининг, «АА-2» анализаторида аниқланди; гиперхолестеринемия (ГХС) сифатида $ХС \geq 5,2$ ммоль/л қиймати, гипертриглицеридемия (ГТГ) сифатида $ТГ \geq 47$ ммоль/л даражаси, ГВЛЧП сифатида $ХСЛПН \geq 2,6$ ммоль/л, Г α ЛИП сифатида $ХСЛВП \leq 1,0$ ммоль/л қийматлари қабул қилинди; қондаги глюкоза миқдорини аниқлаш ортотолуидинли усул билан амалга оширилди, глюкозага толелерантликли бузилиши (ГГБ) сифатида оч қоринга (<100 мг%) гликемиянинг меъёрдаги даражасида глюкозали юкламадан 2 соат кейинги гликемия ҳолатлари, гипергликемия (ГГЛ) сифатида эса оч қоринга гликемия > 100 мг% бўлганда қабул қилинди; қондаги микроэлементлар (натрий, калий ва кальций) миқдорини аниқлаш эса ААС ва ААС-IN типидagi атом-абсорбцион спектро-фотометрларда атомли абсорбция усулида олиб борилди; гипернатриемия сифатида $Na^+ \geq 148$ мэкв/л қиймати, гипокалнемия сифатида калийнинг $\leq 3,5$ мэкв/л миқдори, гипокальциемия сифатида $-Ca^+ \geq 42$ мэкв/л миқдори қабул қилинди, қондаги сийдик кислотасини аниқлаш (СК) Гроссман услубияти бўйича амалга оширилди, гиперурикемия сифатида (ГУ) урикемиянинг ≥ 7 мг/% қийматлари қабул қилинди. Хатарнинг эпидемиологик омиллари (чекиш ва спиртли ичимликлар ичиш, ирсий оғирлашув, популяциянинг емоқ-ичмоқ одатлари, мева ва сабзавотларни кам истеъмол қилиш, паст жисмоний фаоллик) ЖССТ (WHO, 1996) нинг мезонлари бўйича аниқланди ва баҳоланди.


ТТХ, ТТ ва ТТК ташхиси клиник маълумотлар, типик сидеропеник, трофик бузилишлар, гемоглобин, ранг кўрсаткичлари (анемиянинг гипохром тури) ва зардоб қонининг умум қабул қилинган усуллар бўйича камайиши асосида аниқланди.

Олинган маълумотларга статистик ишлов берилди. Кўп ўлчамли статистик таҳлил усуллари қўлланилди, маълумотларнинг миқдорий кўрсаткичлари боғлиқлигини ўрганишда корреляцион таҳлилдан фойдаланилди (корреляция коэффиценти – r). Интенсив кўрсаткичлар ва миқдорий кўрсаткичларнинг ўртача қийматлари, шунингдек, уларнинг ўртача квадратик оғишлари (M;±б) ҳисобга олинди. Корреляцион таҳлил Пирсон корреляцияси коэффицентини қўллаган ва унинг ҳаққонийлик жадваллари бўйича аҳамиятини аниқлаган ҳолда олиб борилди.

Диссертациянинг «**Гиёҳванд аҳоли орасида темир танқислиги камқонлиги ҳолатларининг тарқалганлиги**» деб номланган учинчи бобида (3.1) гиёҳванд аҳолидаги ТТХ, ТТ ва ТТК билан касалланганликнинг эпидемиологик тавсифини ушбу патологияларнинг гиёҳванд фонидаги учрашининг муттасиллиги ҳақидаги энг ҳаққоний маълумотларни аниқлаш учун қиёсий нуқтаи назардан ўрганиш олиб борилди. Гиёҳванд аҳолидаги эркаклар ва аёлларда темир алмашинувининг плазмали кўрсаткичлари сезиларли фарқ қилмаган. Улар сезиларли даражада кам намоён бўлгани ҳолда, гиёҳвандлашмаган аҳоли популяциясидаги худди шукаби омиллар билан фарқ қилган. Шу нарса аниқландики, гемоглобиннинг 100,0-119,0 г/л диапазонида текширилган гиёҳвандлар қонидаги гемоглобин кўрсаткичининг муайян энг кўп миқдори – 282 тани ёки барча ҳолатларнинг 69,2% ни ташкил этди. 119,0 г/л дан юқори даражада гемоглобин кўрсаткичлари 27,7% ҳолларда, 190,0 г/л дан юқори бўлган гемоглобин кўрсаткичи эса барча ҳолатларнинг 3,1% да аниқланган (1-расм).



1-расм. 15-49 ёшдаги гиёҳванд аҳоли популяциясида гемоглобин кўрсаткичининг аниқланиши




2-расм. 15-49 ёшдаги гиёҳванд аҳоли популяциясида зардоб темири кўрсаткичларининг аниқланиши

Тадқиқот натижаларини таҳлил этиш жараёнида, шунингдек, гиёҳвандлар популяциясидаги зардоб темири кўрсаткичларининг тақсимланиши ҳам ўрганилди. 2-расмда 15-49 ёшдаги текширилган гиёҳвандлардаги зардоб темири кўрсаткичларининг аниқланиш муттасиллиги келтирилган. 2-расмнинг иллюстратив материалларидан келиб чиққан ҳолда гиёҳвандлар популяциясида зардоб гемоглобини кўрсаткичи муайян қийматларининг энг кўп сони зардоб темирининг кўрсаткичлари 97 нафар (барча ҳолларнинг 23,8%) текширилганларда 7,6-10,4 мкмоль/л диапазонида ва 308 нафар текширилганларда 10,5 -18,8 мкмоль/л – барча ҳолатларнинг 75,5% да топилади. 18,8 мкмоль/лдан юқори зардобли темирнинг кўрсаткичлари текширилган 15-49 ёшдаги гиёҳвандларнинг фақатгина 3 нафарда ёки 0,7% ҳолатда аниқланди.

Бизнинг маълумотларга кўра, аҳолида гиёҳванд ТТХ-ТТК ва яширин темир танқислигининг (ЯТТ) тарқалганлиги ўсмирлар ва катта ёшдаги гиёҳвандлашмаган аҳолига нисбатан кўпроқ намоён бўлиши билан тавсифланади.

Текширилган 15-49 ёшдаги гиёҳванд эркакларнинг популяциясида ТТХ нинг тарқалганлиги 83,9% (аёлларда – 100,0%) ни ташкил этади. ТТА 69,5% муттасиллик билан кузатилади, ЯТТ 14,6% дан юқори бўлмаган даражада аниқланади, яъни 69,3% ёки ТТХ билан солиштирганда 4,8 марта кам ($P < 0,001$). Биз томондан қайд этилган маълумотлар шундан далолат берадики, текширилганларнинг ёши катталашгани сари ЯТТ, ТТА ва ТТХ лар тарқалиш муттасиллигининг 6,0% ёки 1,9 марта ($P < 0,05$), 77,5% гача ёки

9,5 баравар ($P<0,001$) ва 81,18% гача ёки 5,5 марта ($P<0,001$) ўсиши юз беради. Ушбу ҳақдаги маълумотлар 3-расмда келтирилган.



3-расм. Турли ёш диапазонларидаги гиёҳвандлар популяциясида ЯТТ, ТТА ва ТТХ ларнинг тарқалганлиги.

Диссертациянинг «**Гиёҳванд аҳоли ўртасида темир танқислиги камқонлигини асосий хавф омилларининг тарқалганлиги**» номли кичик бобида (3.2) гиёҳвандлардаги ТТХ ларнинг асосий ХО тарқалганлигининг кўрсаткичлари ўрганилган. Тадқиқотлар натижаси гиёҳванд аҳоли ўртасида ТТХ да ХО нинг юқори даражада тарқалганлигини кўрсатди. ТТК га нисбатан гиёҳвандларда «патоген эпидемиологик шароитлар»нинг шаклланишида алиментар ХО нинг ҳиссаси 33,7% ва хулқ-атвор омилининг ҳиссаси 71,7% ни ташкил этади. Гиёҳвандларпопуляциясида номақбул эпидемиологик шароитларнинг шаклланиши 15,4% ҳолларда липидли ХО, 23,4% ҳолларда биокимёвий нолипид ХО ва 18,9% ҳолларда МТОЗ лар билан боғлиқ.

Диссертациянинг «**Гиёҳвандлар популяциясидаги темир танқислиги ҳолатларининг асосий хавф омиллари билан боғлиқлик даражасининг қиёсий тавсифи**» номли кичик бобида (3.3) ҳам ТТХ билан оғриган, ҳам ТТКнинг аломатлари бўлмаган гиёҳвандлардаги ХО намоён бўлиши преваленсининг қиёсий тавсифи ўрганилган. Маълум бўлишича, ТТХнинг энг юқори даражада намоён бўлган тўғридан тўғри корреляцияси 27 та хавф омили билан кузатилади: суиистеъмол – $\chi^2=88,5$, $r^{++}=0,74$, $P<0,001$; овқатланиш тарзининг бузилиши (ОТБ) - $\chi^2=62,6$, $r=0,70$, $P<0,01$; аччиқ чой ва қахвани суиистеъмол қилиш (АЧҚСК) – $\chi^2=36,7$, $r^{++}=0,66$, $P<0,001$; овқатланиш ритмининг бузилиши (ОРБ) - $\chi^2=35,5$, $r^{++}=0,64$, $P<0,001$; спиртли ичимликларни суиистеъмол қилиш (СИСК) - $\chi^2=21,5$, $r^{++}=0,62$, $P<0,001$; мевасабзавотларникам истеъмол қилиш (МСКИК) - $\chi^2=18,7$, $r^{++}=0,58$, $P<0,001$;

ортикча овқатланиш (ОО) - $\chi^2=16,5$, $r^{++}=0,55$, $P<0,001$; гелибактерли инфекция - $\chi^2=51,8$, $r^{++}=0,60$, $P<0,001$; паст жисмоний фаоллик(ПЖФ) - $\chi^2=9,1$, $r^{++}=0,25$, $P<0,05$; чекиш - $\chi^2=8,2$, $r^{++}=0,23$, $P<0,05$; калиодизия (КДИ) - $\chi^2=33,2$, $r^{++}=0,44$, $P<0,01$; тана вазнининг камлиги (ТВК) - $\chi^2=20,1$, $r^{++}=0,52$, $P<0,001$; тунда оқватланиш (ТО) - $\chi^2=7,9$, $r^{++}=0,24$, $P<0,05$; номақбул ижтимоий мақом (НИМ) - $\chi^2=12,5$, $r^{++}=0,42$, $P<0,01$; номақбул оилавий мақом (НОМ) - $\chi^2=7,7$, $r^{++}=0,22$, $P<0,05$; кальций дизионияси (КЦДИ) - $\chi^2=7,5$, $r^{++}=0,21$, $P<0,05$; гиперурикемия (ГУ) - $\chi^2=18,0$, $r^{++}=0,45$, $P<0,001$; глюкозага толерантликнинг бузилиши (ГТБ) - $\chi^2=12,3$, $r^{++}=0,40$, $P<0,01$; ирсий оғирлашув (ИО) - $\chi^2=17,0$, $r^{++}=0,37$, $P<0,05$; ГХС- $\chi^2=6,8$, $r^{++}=0,16$, $P<0,05$; маълумотлилик мақоми пастлиги (ММП) - $\chi^2=7,1$, $r^{++}=0,18$, $P<0,05$; ДЛП - $\chi^2=6,4$, $r^{++}=0,13$, $P<0,05$; НДИ - $\chi^2=147,2$, $r^{++}=0,36$, $P<0,01$; СХО - $\chi^2=5,8$, $r^{++}=0,12$, $P<0,05$; АГ - $\chi^2=12,8$, $r^{++}=0,47$, $P<0,001$; ГТГ - $\chi^2=5,7$, $r^{++}=0,11$, $P<0,05$ ва ОТВ - $\chi^2=4,8$, $r^{++}=0,10$, $P<0,05$.

Диссертациянинг «Гиёҳванд аҳоли ўртасида темир танқислиги ҳолатлари клиник кечишини баҳолаш» номли кичик бобида (3.4) гиёҳвандлашув фонида ТТК билан оғриган беморларда сидеропеник аломатлар юқори муттасиллик билан (40,6%), нисбатан кам анемик аломатлар (30,6%) (1,3 марта, $P<0,05$) ва анча кам ҳолларда (1,5 марта, $P<0,05$) бошқа турли аломатлар кузатилади (28,8%). Шу нарса аниқланганки, ТТХ билан оғриган гиёҳвандларда бавосилнинг аниқланиши ёш ўтиши билан 7,3 марта ($P<0,001$), ошқозон яра касаллиги (ОЯК) – 15,8 марта ($P<0,001$), сурункали гепатит (СГ) – 14,9% гача ($P<0,001$), сурункали энтерит (СЭ) – 9,2 баравар ($P<0,001$), сурункали колит (СК) – 5,6 марта ($P<0,001$), гепатолиенал синдром (ГЛС) – 2,6 марта ($P<0,01$) ва бурундан қон кетиши (БҚК) – 1,2 марта ($P<0,05$) ортади.

Диссертациянинг «Темир танқислиги ҳолатлари ривожланиши нисбий хавфининг асосий хавф омиллари билан боғлиқлигини қиёсий таҳлил этиш ва баҳолаш ҳамда гиёҳванд аҳолида уларни профилактика қилишни оптималлаштиришнинг янги технологиялари» номли кичик бобида (3.5) гиёҳвандлар популяциясида ТТХ шаклланишининг эпидемиологик модели тақдим этилган (1-жадвал).

Умуман 1- жадвалда акс этдирилган маълумотлардан кўринадики, 27 та хатар омиллари ва 6 та ассоциирланган патологик ҳолатлар статистик ахамиятли кўп бўлиб номақбул эпидемиологик шартномаларни ёмонлашувига олиб келади, ТТХ шаклланишини ва терапевтик – гематологик континуум хавфини оширади. ЯТТ, ТТК ва ТТХ профилактик ва даволаш дастурларини гиёҳванд аҳолида тузиш ва амалга ошириш ишлари айнан қайд этилган хатар омиллари ва патологик ҳолатларни ҳисобга олиб ташкил қилиниши даркор. Кўп омилли таҳлил кўрсатдики, гиёҳвандлик фонида алиментар хатар омилларини бўлиши ТТХ дан бўладиган эпидемиологик ходисалар (касаллик кечишини оғирлашуви, асоратларни келиб чиқиши, ногиронлик ёки ўлим ҳолати, терапевтик континуум) 60,0% гача эпидемиологик хатар омиллари билан боғлиқ бўлиб - то 30,0% гача ва ассоциирланган патологик ҳолатлар бўлганда - то 10,0% гача етиб ортади.


**Гиёхванд аҳоли популяциясида ТТХ шаклланишининг
эпидемиологик модели ва профилактикасини популяционли объектлари**

№	Улардан гиёхванд аҳоли ўртасида континуум ривожланишига нисбатан ТТХ шаклланиши ва номақбул эпидемиологик вазиятлар билан ассоциацияланувчи хавф омиллари	Гурухлар ўртасидаги t- мезон бўйича фарқлар Kruskal-Walsh (P) ₃		
		P<0,05	P<0,01	P<0,001
	I. АЛИМЕНТАР ХАВФ ОМИЛЛАРИ:			
1.	Овқатланиш тарзининг бузилиши	-	-	+
2.	Овқатланиш ритмининг бузилиши	-	-	+
3.	Ортиқча овқатланиш	-	-	+
4.	Тунда овқатланиш	+	-	-
5.	Аччиқ чой ва қахвани суиистеъмол қилиш	-	-	+
6.	Гиёхванд бўлмаган дори воситаларини суиистеъмол қилиш	-	-	+
	II. АХЛОҚИЙ ЭПИДЕМИОЛОГИК ХАВФ ОМИЛЛАРИ			
7.	Маълумотлилик мақомининг пастлиги	+	-	-
8.	Номақбул ижтимоий мақом	-	+	-
9.	Номақбул оилавий омил	+	-	-
10.	Мева-сабзавотларни кам истеъмол қилиш	-	-	+
11.	Стрессли хавф омиллари	+	-	-
12.	Спиртли ичимликларни суиистеъмол қилиш	-	-	+
	III. АСОСИЙ ЭПИДЕМИОЛОГИК ХАВФ ОМИЛЛАРИ			
13.	Паст жисмоний фаоллик	+	-	-
14.	Артериал гипертензия	-	-	+
15.	Ортиқча тана вазн	+	-	-
16.	Кам вазнлилик	-	-	+
17.	Ирсий оғирлашув	+	-	-
18.	Чекиш	+	-	-
	IV. ЛИПИДЛИ ХАВФ ОМИЛЛАРИ			
19.	Гиперхолестеринемия	+	-	-
20.	Гипертриглицеридемия	-	+	-
21.	Дисглипопротеинемия	+	-	-
	V. НОЛИПИД БИОКИМЁВИЙ ХАВФ ОМИЛЛАРИ			
22.	Гиперурикемия	-	-	+
23.	Глюкозага толерантликнинг бузилиши	-	+	-
24.	Геликобактерияли инфекция	-	-	+
	VI. Микроэлементозлар:			
25.	Калиодизиония	-	+	-
26.	Натриодизиония	-	+	-
27.	Кальциодизиония	+	-	-
	VII. СНК ва ТТХ билан ассоциациялашган клиник ҳолатлар			
28.	Бавосил	+	-	-
29.	Ошқозон яраси касаллиги	+	-	-
30.	Сурункали энтероколит	-	+	-
31.	Гепатолиенал синдром	+	-	-
32.	Бурундан кон кетиши	-	+	-
33.	Сурункали гепатит	+	-	-

Шундай қилиб, гиёхванд аҳолида ТТХни қайд этиб ўтилган хатар омилларини анча кучли тўпланиши содир бўлади, кечикиб ёки номувофиқ ўтказилган профилактик дастурлар сабаб бўлиб улар бирин - кетин ЯТТ, ТТК ва ТТХ ни келиб чиқишига клиник фожиалар (ўткир шошилиш ҳолатлар, фаталь оқибат, гематологик континуум) манифестацияси билан ифодаланувчи эпидемиологик шароитлар номутаносиблигига олиб келади.

Ушбу эпидемиологик ҳодисаларни тўсиш учун, шубҳасиз, гиёхвандлар популяциясида ТТХдан қаттиқ клиник нукталарни олдини олишга йўналтирилган ТТХ профилактикасининг янги бирламчи ва учламчи профилактикасининг (ТТХ дан континуум келиб чиқиш босқичида) янги технологиялари керак бўлади. Бунинг учун махсус эпидемиологик тадқиқотларнинг натижаларидан фойдаланиш лозим. (4-расм).

Кейинчалик ТТХ профилактикасининг янги технологияси ишлаб чиқилди, ушбу технология гиёхванд аҳолида темир танқислиги ҳолатлари барвақт ривожланишини 100% ҳолларда бартараф этади. Ушбу профилактика технологиялари ва дастурлари ТТХ шаклланиши ва кечишининг эпидемиологик қонуниятларига асосланади, уларнинг «популяцион предикторларини» барвақт аниқлашга ёрдам беради ва гиёхванд аҳоли ўртасида ТТХ га нисбатан пренезологик ташхислаш ва профилактика соҳасида янги истиқболларни очиб беради.



4-расм. Гиёхванд аҳоли ўртасида темир танқислиги ҳолатларини эпидскрининг ва профилактика қилиш технологияси

ХУЛОСА

1. Гиёҳванд аҳоли орасида темир танқислиги ҳолатларикенг тарқалган (83,9%). ТТҚ ва ЯТТ мос равишда 69,5% ва 14,6% текширилганларда ва 69,0% ва 14,8% 15 ёшдан 49 ёшгача бўлган гиёҳванд эркакларда аниқланган.

2. Ёш ўтиши билан ТТҚлари мутгасиллиги 5,5 мартага ортади. Гиёҳвандлашув фонида темир алмашинувининг бузилиши 20 ёшдан сўнг айниқса кучли ривожланади.

3. Гиёҳванд аҳоли ўртасида ТТҚ асосий хавф омилларининг анчайин кенг тарқалиши мавжуд ва умуман олганда: ОТБ – 81,7%, ОРБ – 79,6%, ОО – 8,3%, ТО – 60,3%, АЧҚСҚ – 79,1%, ГБДВСҚ -89,3%, ММП – 16,8%, НИМ-33,4%, НОО -36,5%, МСКИҚ – 32,4%, СХО -13,7%, СИСҚ – 36,7%, ПЖФ – 67,6%, АГ – 13,9%, ОТВ- 5,1%, КВ-81,5%, ИО-13,8%, чекиш – 64,5%, ГХС – 8,3%, ГТГ – 7,5%, ДЛП – 15,4%, ГУ-10,5%, ГТБ- 12,9%, ГБИ- 33,3%, КДИ-28,2%, НДИ – 89,3% ва КЦДИ – 68,8% ни ташкил этади.

4. Гиёҳванд аҳоли популяциясидаги ТТҚ нинг асосий сабаблари бўлиб турли патологик ҳолатлар: бавосил (3,6%), ошқозон яраси касаллиги (5,6%), сурункали гепатит (7,9%), сурункали энтероколит (12,8%), гепатолиенал синдром (4,3%) ва бурундан қон кетиши (35,6%) ҳисобланади. Ушбу касалликлар энг интенсив юз берадиган нисбатан номақбул ёш бўлиб 40 ёшдан катта ёш, юқорида келтирилган хавф омиллари учун эса 20 ёш ҳисобланади.

5. Гиёҳванд аҳолидаги темир танқислигининг клиник манзараси сезиларли намоён бўлувчи сидеропеник (40,6%), анемик (30,6%) ва асаб, юрак - қон томир ва овқат хазм қилиш тизими (28,8%) томонидан «кичик» аломатларнинг намоён бўлиши билан тавсифланади, меҳнат қобилиятини пасайтиради ва ҳушдан кетишга бўлган мойилликни оширади. ТТҚ аломатларининг энг кўпайиши 40 ёшдан сўнг юз беради.

6. Гиёҳвандлар популяциясида ТТҚларига нисбатан номақбул эпидемиологик шароитларнинг ривожланиши турли даражада юқорида келтирилган 27 та хавф омили ва 6 та патологик ҳолат билан боғлиқ. Гиёҳванд аҳолида алиментар (6), модифицирланувчи эпидемиологик (6), липидли (3), нолипид биокимёвий (3) ва микроэлементоз (3) омиллар, шунингдек, ассоциациялашган патологик ҳолатлар (6) сезиларли равишда кўпинча ТТҚнинг шаклланишига олиб келади ва улардан континуум ривожланишининг нисбий хавфини орттиради.

7. Гиёҳванд аҳолидаги ТТҚ ривожланишининг нисбий хавфи энг кўп равишда алиментар хавф омиллари бўлганда мавжуддир, эпидемиологик омилларда 2 барабар кам ва ассоциациялашган патологик ҳолатлар мавжуд бўлганда алиментар омилларга нисбатан 6 барабар камдир.

8. ТТҚ ва асосий хавф омилларини эпидемиологик скрининг ёрдамида мониторинг қилиш ва уларни ишлаб чиқилган профилактика технологиясини қўллаган ҳолда коррекция қилиш гиёҳванд аҳолида ТТҚ дан континуумнинг барвақт ривожланишини потенциал равишда 100% ҳолларда бартараф этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.04/30.12.2019.Tib.95.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ АНДИЖАНСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ
ИНСТИТУТ**

УСМОНОВ БУРХАНЖОН УМАРОВИЧ

**ЭПИДЕМИОЛОГИЯ, ФАКТОРЫ РИСКА, ОСОБЕННОСТИ
КЛИНИЧЕСКИХ ПРОЯВЛЕНИЙ И ПРОФИЛАКТИКИ
ЖЕЛЕЗОДЕФИЦИТНЫХ АНЕМИЙ НА ФОНЕ НАРКОМАНИИ**

14.00.43- Профилактическая медицина

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

АНДИЖАН – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.3.PhD/Tib1465.

Диссертация выполнена в Андижанском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.adti.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Мамасолиев Нематжон Солиевич доктор медицинских наук, профессор
Официальные оппоненты:	Фозилов Абдукаххор Вохидович доктор медицинских наук, профессор Хужамбердиев Мамазоир Ахмедович доктор медицинских наук, профессор
Ведущая организация:	Бухарский государственный медицинский институт

Защита состоится «13» июля 2021 г. в 13⁰⁰ часов на заседании Научного Совета PhD.04/30.12.2019.Tib.95.01 при Андижанском государственном медицинском институте (Адрес: 170100, город Андижан, улица Ю.Атабекова, дом 1; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50; e-mail: info@adti.uz, в зале собрании Андижанского государственного медицинского института).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Андижанского государственного медицинского института (зарегистрирована за № 1). (Адрес: 170100, город Андижан, улица Ю.Атабекова, дом 1; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50).

Автореферат диссертации разослан «05» июля 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 1 от 05 июля 2021 года).

М.М. Мадазимов
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук, доцент

М.Ф. Нишанов
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук, доцент

Н.Р. Узбекова
Заместитель председателя научного семинара
при научном совете по присуждению ученых
степеней, доктор медицинских наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Последние «данные Всемирного доклада о наркотиках (2018) дополняют и еще более усложняют картину связанных с наркотиками проблем во всем мире, подчеркивая необходимость расширения международного сотрудничества в целях содействия принятию сбалансированных и комплексных ответных мер в области здравоохранения». По данным Всемирной организации здравоохранения «уровень профилактики и лечения во многих частях мира по-прежнему значительно ниже реальных потребностей, а число лиц, страдающих различными расстройствами на почве употребления наркотиков и нуждающихся в наркологической помощи во всем мире, к 2018 году увеличилось с 30,5 до примерно 35 млн человек»¹. В данном аспекте для многих исследований «в области профилактической медицины, нейроиммунологии и гематологии представляют интерес системные побочные эффекты наркотиков». Среди этих вопросов нарушения гомеостаза клеток и микроэлементов красной части крови с развитием дефицита железа, фолиевой кислоты и, как следствие, макроцитарной анемии сохраняют актуальность проблемы.

В мировой практике в настоящее время наиболее актуальными исследованиями продолжают оставаться разработки новых методик, направленные на профилактику гематологических нарушений при определенных клинических сценариях наркомании и связанных с ней патологических изменений со стороны жизненно важных органов. Продолжают исследоваться в лабораторных и экспериментальных условиях характер гематометрических и морфометрических изменений эритроцитов при различных формах наркозависимости, при которых не менее важен научный поиск патофизиологических механизмов взаимодействия хронической наркомании и системы крови, что может указывать на специфический генез железодефицитных анемий у наркотизирующейся популяции населения, отражать функциональное состояние внутренних органов, иметь прогностическое значение, предупредить возникновение опасных осложнений, которые потенциально могут потребовать более агрессивных терапевтических и реабилитационных мероприятий.

В настоящее время продолжается широкомасштабная работа по социальной защите населения и совершенствованию системы здравоохранения. В этом направлении, в частности, в улучшении результатов лечения гематологических заболеваний у лиц с хронической наркозависимостью достигнуты положительные результаты. Вместе с тем для улучшения оказываемой помощи наркотизирующейся популяции населения требуются научно-обоснованные результаты по совершенствованию профилактики развития железодефицитных состояний. В стратегию действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы поставлены задачи по развитию и совершенствованию системы медико-

¹ UNODC and WHO, International Standards on Drug Use Prevention, 2020; 2nd ed.

социальной помощи уязвимым категориям населения для обеспечения их полноценной жизнедеятельности². Реализация данных задач, в том числе, улучшение результатов лечения лиц с наркозависимостью путем совершенствования тактических профилактических подходов и разработки инновационных технологий профилактики железодефицитной анемии на фоне наркомании является одним из актуальных направлений.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, утвержденных Указом Президента Республики Узбекистан «О мерах по внедрению принципиально новых механизмов в деятельность учреждений первичной медико-санитарной помощи и дальнейшему повышению эффективности проводимых в системе здравоохранения реформ» за №УП-6110 от 12 ноября 2020 года, Постановлениями Президента Республики Узбекистан «О мерах по профилактике неинфекционных заболеваний, поддержке здорового образа жизни и повышению уровня физической активности населения» за №ПП-4063 от 18 декабря 2018 года и «О дополнительных мерах по обеспечению общественного здоровья путем дальнейшего повышения эффективности работ по медицинской профилактике» за №ПП-4891 от 12 ноября 2020 года, а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

